# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: info@xs.uz • 2013 йил 19 июнь, № 118 (5792) Чоршанба


# Замонавий, тезкор ва малакали хизмат

*Инсон саломатлигини асраш, аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиш мамлакатимизда устувор соҳалардан биридир. Шу боис Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Илғор шакл ва услублар амалиётга жорий этилди.*

### ТИББИЁТ

Хусусан, жойларда кўп поғонадан иборат самарасиз, ортиқча харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, туман тиббиёт бирлашмалари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ихтисослаштирилган шифо масканлари жаҳон андозалари даражасидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, аниқ ташхис қўйиш, самарали даволаш имкониятлари кенгайтирилди.

Шу ўринда Самарқанд вилоятининг олис туманларидан бири — Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонаси ва кўп тармоқли марказий поликлиникасига инвестиция дастури доирасида 4 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилгани хусусида тўхталиб ўтсак.

(Давоми 4-бетда).



### БИЗ ВА ЖАҲОН

*Яқинда Германиянинг Бремен шаҳрида турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасидаги мулоқотни жадаллаштириш ҳамда жамоатчиликни халқларнинг урф-одат ва анъаналари, маданияти ҳамда пазандалик санъати билан таништириш мақсадида ўтказиладиган анъанавий Халқаро маданиятлар фестивали бўлиб ўтди.*

## Ўзбекистон Бремен халқаро маданиятлар анжуманида

Тадбирда мамлакатимизнинг Германиядаги дипломатия миссияси ва Бремендаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти томонидан миллий услубдаги Ўзбекистон бўлмаси ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур бўлмадан жой олган халқимиз амалий санъати намуналари, юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, замонавий тараққиёти ҳамда улкан сайёҳлик салоҳиятига доир маълумотлар халқаро анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Жорий йилда Бремен халқаро маданиятлар фестивали тарихида илк маротаба барбекю фестивали уюштирилди. Унда анжуманнинг кўп сонли меҳмонлари дунёнинг турли мамлакатлари халқларининг пазандалик санъатидан, шу жумладан, ўзбек миллий таомларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Тадбир меҳмонларидан бири — **Рольф Ристер** "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида тадбирдан орттирган таассуротларини ўртоқлашар экан, сайёҳликка доир маълумотлар ва Германия матбуоти орқали Ўзбекистонни яхши билишини маълум қилди.

— Ушбу халқаро анжуман ўзбек халқининг маданияти ҳамда анъаналари билан янада яқиндан танишиш учун бизга қулай имконият яратди, — деди у. — Мамлакатингиз бўйлаб саёҳат қилишим учун зарур бўлган ахборотларни олганимдан хурсандман. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари ва ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган тарихий обидалари ҳар йили миллионлаб сайёҳларни ўзига жалб қилиб келаётганидан ҳам хабардорман.

Халқаро маданиятлар фестивалининг яна бир меҳмони **Карстен Ханке** ушбу тадбир юқори даражада ташкил этилганини таъкидлаган ҳолда, Ўзбекистон бўлмаси ўзида илиқ таассуротлар қолдирганини айтди.

— Мамлакатингиз экспозициясида рафиқам иккаламизни самимият билан кутиб олишди, — деди у. — Биз турли-туман ўзбек миллий таомларидан татиб кўриш имконига ҳам эга бўлдик. Ўзбекистон билан яқиндан танишганимиздан сўнг қалбимизда юртингизга саёҳат қилиш, унинг меҳмондўст халқи билан учрашиш, ўлкангиз заминидаги тарихий ёдгорликлар гўзаллигини ўз кўзимиз билан кўриш истаги уйғонди.

**«Жаҳон» АА.**
Бремен

### ИНТИЛИШ

*Наманган вилоятида "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.*

## Ёшлар фестивали

Президентимизнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган мазкур тадбир шаҳар ва туман марказлари, таълим муассасаларидаги турли маънавий-маърифий, бадиий дастурларга уланиб кетди.

Айниқса, ёшлар онг-шуурида Ватанга муҳаббат, маънавий қадриятларга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган "Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти", "Сиз севган қаҳрамонлар", "Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз!" сингари лойиҳалар фестиваль иштирокчилари эътиборини жалб этди. Пойтахтдан ташриф буюрган депутат ва сенаторлар, сиёсатшунос, тарихчи, психолог олимлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари, спорт усталарининг наманганлик йигит-қизлар билан юзма-юз мулоқоти мазкур тадбирларга алоҳида мазмун бағишлади.

(Давоми 4-бетда).

## Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ва миллий қонунчилик

*Мамлакатимизда тадбиркорлар учун зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратиш орқали давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш долзарб вазифалардан биридир. Айтиш керакки, соҳанинг муайян қонунчилик базаси яратилган ва у нафақат маҳаллий, айни чоғда хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар манфаатларини таъминлашда ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаяпти.*

### КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Шуларга мос ҳолда, Ўзбекистонда инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва муҳофаза қилишга оид элликка яқин икки томонлама шартномаларга амал қилинмоқда. Бу шартномалар асосида инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, унга етказилган зарарни қоплаш, маблағларни хорижга эркин ўтказиш, сармоя билан боғлиқ низоларни ҳал этиш масалалари тартибга солиб келинаётир.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Адлия ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий семинарда шу ҳақда батафсил сўз юритилди. Ўзбекистонда халқаро тижорат арбитражини жорий этишнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди, ҳакамлик судлари вакиллари, тегишли вазирликлар ҳамда бошқа манфаатдор идоралар масъул ходимлари, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари олимлари, мутахассислар, етакчи халқаро экспертлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, дунё амалиётида томонлар ўртасида инвестициялар билан боғлиқ низолар юзага келганда, уни ўзаро маслаҳат ўтказиш йўли билан ҳал этиш, келишувга эришилмаган ҳолатларда инвестицияни қабул қилувчи мамлакат судлари ёки халқаро ҳакамлик суди (арбитраж)да кўриб чиқиш тартиби йўлга қўйилган. Низони халқаро ҳакамлик судига кўриб чиқиш учун бериладиган розилик давлатлараро шартномаларда, инвестор ва инвестицияларни қабул қилувчи мамлакат ўртасидаги шартномаларда ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда).

### ЖАРАЁН

*Бугунги кунда барча ватандошларимиз қаторида сурхондарёликлар ҳам мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш ҳамда иқтисодиётимиз барқарор ривожланишига салмоқли улуш қўшиш истагида самарали меҳнат қилмоқдалар.*

## Тараққиётга йўналтирилаётган сармоялар самараси

Улар орасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, эл-юртга, ўз оиласига, маҳалладошларига наф келтираётган ишбилармонлар кўпчиликни ташкил этади. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида воҳада кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши 54,6 фоизга етди ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,8 фоизга ошди.

— Ўтган йили банкнинг 80 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити ҳисобидан Хитойдан тош саралаш ва қум ювиш технологиясини келтирган эдик, — дейди Денов туманидаги "Акбар" хусусий корхонаси раҳбари Абдували Алимов. — Ҳозир жамоамизда 30 нафардан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга эса талаб катта. Сабаби, биргина туманимизда намунавий лойиҳалар асосида 100 дан зиёд замонавий уй-жойлар қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Янги объектларга ҳар ойда 40-50 миллион сўмлик сараланган тош ва қум етказиб бераяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

## Узумнинг ноёб навлари

*Юртимизда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун қулай табиий иқлим шароити мавжуд. Ундан оқилона фойдаланилаётгани, айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин ошиб бораяпти.*

### ҚАРОР ВА ИЖРО

Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда қўлга киритилаётган муваффақиятлар шундай дейишимизга асос бўла олади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, узумга бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланиб, саноат корхоналарига сифатли хом ашё кафолатли равишда етказиб берилаётир. Натижада қайта ишлаш суръати муттасил ошиб, экспортда тайёр маҳсулотлар улуши ва тури ортмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ноозиқ-овқат саноати:

## Юқори ўсиш суръати таъминланмоқда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

*Шу йилнинг дастлабки чорагида мамлакатимизда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми* **12,3** **фоизга ошди.**

**Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик корхоналар томонидан дазмоллар, тежамкор лампалар, чарм ва тайёр трикотаж буюмлар, ўқув дафтарлари ҳамда бошқа маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми сезиларли равишда кўпайиши ҳисобига ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.**

## Қисқа сатрларда

**• Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбир тизимга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш масалаларига бағишланди.**

• "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий марказида мамлакатимиз ва Жанубий Кореянинг Ин Ха университети госпитали шифокорлари ҳамкорлигида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. 23 июнгача давом этадиган мазкур ҳафталик доирасида нафақат пойтахтимиз, балки Тошкент ва Навоий вилоятларида ҳам шундай тиббий кўриклар ташкил этилиши режалаштирилган.

**• Андижон вилоятидаги технологик йўқотишлари меъёридан юқори бўлган трансформатор пунктлари аниқланиб, уларга замонавий ҳисоблагичлар ҳамда ўлчов мосламалари ўрнатила бошланди. Хусусан, ҳозиргача 721 трансформатор кўздан кечирилиб, 979 километр масофага тортилган узатувчи тармоқлар соз ҳолатга келтирилди. Натижада улардаги технологик йўқотишлар 30-35 фоиздан 12 фоизгача камайди.**

• Қумқўрғон туманини марказий шифохонасининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига 4 миллиард 110 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, шифо маскани 300 миллион сўмлик замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

■ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

*Нукусда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан ҳамкорликда мажлис ўтказди.*

# Вояга етмаганлар манфаатлари

**мамлакатимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир**

Унда "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси муҳокама қилинди.

Сенаторлар, Жўқорғи Кенгес депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, васийлик ва ҳомийлик, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимизда эртамиз эгалари бўлган болалар ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар кўрилаётир.

— Қонуннинг ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида муайян ишлар олиб борилган, — дейди Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Э. Рўзметов. — Ўрганишлар шуни кўрсатдики, болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган авлод учун ота-оналар ва васийлик органларининг масъулиятини юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган. Натижада болаларнинг хулқ-атворидаги нуқсонларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишлар сифатини сезиларли даражада яхшилаш имкони яратилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташаббуси билан 2012 йилда тунги пайтда ота-онасиз дам олиш масканларида ҳозир бўлган болаларни аниқлаш бўйича 129 та тадбир ўтказилиб, унда 21 нафар вояга етмаган шахс аниқланган, уларнинг ота-онасига нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

— Туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан вояга етмаганларнинг назоратсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири Қ. Бердиев. — Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлаш, улар билан якка тартибда иш олиб бориш бўйича фаолиятини кучайтириш натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2012 йилда профилактика ҳисобига олинган вояга етмаганлар сони 2011 йилдагига нисбатан 6,5 фоизга камайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Д. Изетуллаевнинг фикрича, нотинч оилалар, тарбияси оғир ўсмирларни тураржойлари бўйича аниқлаш, улар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш, бўш вақтини ва бандлигини ташкил этиш ишларига катта урғу берилмоқда. Таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ота-оналар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси жадал олиб борилаётир.

Умуман, ушбу Қонуннинг ижро этилишини таъминлаш бўйича кўрилган чоралар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришдаги масъулиятини сезиларли даражада оширган.

Шу билан бирга, мажлисда Қорақалпоғистон Республикасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини таъминлаш бўйича фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда уларнинг сабаблари таҳлил қилинди.

Муҳокамада мажлис иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, васийлик ва ҳомийлик, таълим, соғлиқни сақлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вояга етмаганларга оид қонун ҳужжатларини ижро этиш бўйича фаолияти самарадорлигини янада оширишга доир қатор таклифлар билдирдилар.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ва миллий қонунчилик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон томонидан имзоланган инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги келишувларда инвестициявий мунозараларни Халқаро инвестициявий баҳсларни тартибга солиш маркази (Вашингтон), Халқаро савдо палатаси қошидаги Халқаро арбитраж суди (Париж), Стокгольм савдо палатаси қошидаги Арбитраж суди (Стокгольм) ёки бошқа доимий ишловчи арбитраж ёки арбитраж "ad hoc" ҳакамлик судига (маълум бир низоларни ҳал этиш учун махсус ташкил этиладиган ҳакамлик судига) тақдим этиш кўзда тутилгани мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Шунинг ўзиёқ юртимизда инвестиция билан боғлиқ баҳсларни ҳал этиш халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига тўла мос келишидан далолатдир.

Тадбирда соҳа қонунчилигини янада такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди. Хусусан, Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мазмуни иштирокчилар томонидан қизиқиш билан ўрганилди. Айни чоғда ЮНСИТРАЛ арбитраж регламентининг асосий қоидалари ва Германия, Франция, Япония сингари давлатларда ишни ҳакамлик судларида кўриб чиқишнинг қонунчиликка оид норма ва қоидалари ҳақида батафсил ахборот берилди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, бошқа мамлакатлар билан савдо-инвестиция муносабатларини кенгайтириш учун кенг шароит яратиш, инвестициялар билан боғлиқ низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш каби бир қатор масалалар таҳлил қилинди. Тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгиловчи маъмурий институтларни бугунги кун талаби даражасида ривожлантириш, тегишли давлат органларининг тадбиркорлар фаолиятига аралашувини камайтириш йўналишида бошланган ишларни изчил давом эттириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги баҳсларни судгача ҳал қилиш механизмини такомиллаштириш масалалари бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Якунда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги

ёшлар тарбиясига доир кўплаб масалаларнинг ижобий ечимида муҳим омилдир

*Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни нечоғли катта бўлса, маҳалла ва таълим муассасаси иштироки ва аҳамияти ҳам шу қадар муҳимки, уларнинг бирини иккинчисидан айри ҳолда тасаввур этиш қийин.*

■ ТАДБИР

Тошкент вилояти ҳокимлигида ёшларга муносиб таълим-тарбия бериш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз борди. Тадбирда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, таълим, соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати изчил амалга оширилаётгани туфайли келажагимиз эгаларини 12 йиллик мажбурий таълимга тўлиқ қамраб олиш, иқтидорли ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қизларни оилага тайёрлаш, барвақт турмушга узатишнинг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар бугун кенг жамоатчиликнинг доимий эътиборида. Хусусан, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида ҳам бу борада бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси изчил амалга оширилаяпти.

Шунингдек, йиғилишда жойларда ёшлар тарбиясида йўл қўйилаётган айрим камчилик ва нуқсонлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, уларни бартараф этишда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш, ёш авлод ўртасида маънавий-маърифий йўналишдаги тарғибот тадбирларини кучайтириш, ёшларнинг бўш вақтларини, хусусан, ёзги таътилни янада мазмунли ташкил этиш каби бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Узумнинг ноёб навлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг шу йил 13 мартдаги "2013 — 2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур тармоқ равнақига хизмат қиладиган улкан ишларга ҳуқуқий асос бўлмоқда. Негаки, ушбу ҳужжатда 22,5 минг гектар, шу жумладан, "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси тизимидаги корхоналар томонидан 3,3 минг гектар янги токзорлар барпо этиш вазифаси белгилаб берилган. Пировардида компания тасарруфидаги янги токзорлар 7,3 минг гектарга етказилиши кўзда тутилган.

— Янги токзорларга, асосан, дунё бозорида харидоргир узум навлари экилмоқда, — дейди "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси раиси ўринбосари, "Ўзспиртсаноат" акциядорлик компанияси раиси Алишер Абдуллаев. — Шу мақсадда "Мева-шарбат" илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси ва Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда иш олиб борилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, саноатбоп узумнинг 14 та ноёб навини кўпайтиришга киришилди. Улар Франция, Германия, Испания, Италия, Португалия, Арманистон, Грузия сингари давлатларнинг жаҳонга машҳур саноатбоп навлари эканлиги эътиборга молик.

Бугун Ўзбекистонда ток кўчатлари етиштириш борасида янгиликка қўл урилгани ҳам эътироф этилмоқда. Гап шундаки, ёввойи ток қаламчалари кўпайтирилиб, унга серҳосил ва юқори сифатли саноатбоп мева берадиган навлар пайванд қилинаяпти. Бундай ниҳоллар республикамизнинг лалмикор ва тоғолди ҳудудларида барпо этилаётган токзорларда парваришланади.

Президентимиз ташаббуси билан узумчиликка шу каби илғор технологиялар жорий этилаётгани, саноат корхоналари ўз токзорларига эга бўлаётгани ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш имкониятини кенгайтирмоқда. Масалан, ўтган йили компанияга қарашли токзорлардан 19,2 минг тонна ҳосил йиғиштириб олиниб, қайта ишланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 30 минг тоннадан, 2015 йилда эса 63,5 минг тоннадан ошиши кутилаяпти.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида ёш токзорлар қатор ораларида полиз ва сабзавот экинларини парваришлаш тажрибаси ҳам ўзини оқламоқда. Шу билан бирга, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби қўшимча тармоқлар йўлга қўйилиб, юртимиз аҳолиси дастурхонига турли нознеъматлар тортиқ қилинаётир.

Кеча Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси қайта ишлаш корхоналарининг хом ашё базасини мустаҳкамлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва истиқболдаги режалари мавзуидаги анжуманда ана шу ҳақда батафсил маълумот берилди. Унда сўзга чиққанлар, шунингдек, хорижнинг илғор тажрибасини ўрганиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ қилиш, соҳа мутахассислари ва фермерларнинг малакасини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самаралари хусусида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қишлоқнинг саноат корхоналари

**аҳоли турмуши обод бўлишига хизмат қилмоқда**

*Қишлоққа саноатни олиб кириш орқали бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли турмушини фаровонлаштириш мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан биридир.*



■ ИЗЛАНИШ

Шу боис кейинги йилларда бу борадаги ишларга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Натижада республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиб, ишбилармонлар сафи тобора кенгаймоқда. Қарши туманининг Манғит қишлоғида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида яқинда иш бошлаган "Сантехйиғмажиҳоз" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

— Айни пайтда тўрт хил маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлсак, уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар бунёдкорларига етказиб берилаяпти, — дейди жамият раиси Умаржон Хидиров. — Ҳозиргача буюртмачилар 450 дан ортиқ жиҳозларимизни олишди.

Дарҳақиқат, Қашқадарё вилоятида маҳаллийлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг самараси салмоқли. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, 8 та корхона томонидан 15 та лойиҳани рўёбга чиқариш белгилаб қўйилган эди. Ушбу вазифаларнинг қай даражада уддаланганини жорий йилнинг уч ойида уларда 2 миллиард 888,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани ёки прогноз кўрсаткичи 106 фоизга бажарилганидан англаш мумкин. Қолаверса, бу воҳалик ишбилармонлар учун бир миллион 523 минг АҚШ доллари миқдоридаги валютани тежаш имконини ҳам берди.

Бундан ташқари, шу кунларда вилоятда микрокальцит, косметик совун, гофроқути, лок-бўёқ, идиш маҳсулотлари, офсет қоғози, полиэтилен қувур ва синтетик ювиш воситалари ишлаб чиқариш сингари бир нечта истиқболли лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Тараққиётга йўналтирилаётган сармоялар самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида корхонамиз қошида блокли ғишт қуйиш ҳамда зичланган қаттиқ материаллардан эшиклар тайёрлаш цехларини ҳам ишга туширдик.

Таъкидлаш керакки, вилоят бўйича, "Обод турмуш йили" Давлат дастурига мувофиқ, ўтган ойларда 609 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 6574 та иш ўрни яратилди. Тижорат банклари томонидан эса уларнинг молиявий қўллаб-қувватлаш учун салкам 80 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилди.

Шу билан бирга, Сурхондарёда хориж сармояларини жалб қилган ҳолда, Маҳаллийлаштириш дастури асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар сони ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Жарқўрғон туманидаги "Сурхонтекс" қўшма корхонаси шулардан бири бўлиб, бу ерда пахта толасидан калава ип тайёрланмоқда. Жорий йилнинг январь — май ойлари давомида йигирувчилар 2 миллиард 400 миллион сўмлик маҳсулотни саноатчиларга етказиб бердилар.

"Термиз сут" масъулияти чекланган жамиятида эса тадбиркор Шавкат Эломонов ташаббуси билан маҳсулотларни полиэтилен пакетларга қадоқлаш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, корхона қошида замонавий технология асосида музқаймоқ, яхна ичимлик суви, нон маҳсулотлари ишлаб чиқараётган цехлар ҳам фаолият юритмоқда. Уларда, асосан, коллежларнинг битирувчилари меҳнат қилишаётгани қувонарлидир.

Термиз шаҳридаги "Термиз-Корея пласт" Ўзбекистон — Корея қўшма корхонасида катта ўлчамдаги полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган иккинчи линия ишга туширилгани ҳам айни муддао бўлди. Негаки, замонавий ҳамда тежамкор технология билан жиҳозланган мазкур линия маҳсулотлари қисқа фурсатда нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини топиб улгурди.

Термиз туманилик тадбиркор Комил Сиддиқов эса "Умаржон" қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш корхонаси фаолиятини кенгайтириб, томёпкич, пишиқ ғишт ҳамда металл буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ҳатто бу ерда қишлоқлар ҳуснига ҳусн қўшаётган уйлар учун темир панжаралар, чиройли ва шарқона услубдаги дарвозалар ҳам тайёрланмоқда.

Қисқача айтганда, Сурхондарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Обод турмуш йилида бу субъектларга тижорат банклари томонидан 220 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 37 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилиши режалаштирилгани эътиборга лойиқдир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 18 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2010,63 | 1 Россия рубли | 65,74 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3282,40 | 1 Украина гривнаси | 261,57 |
| 1 Дания кронаси | 373,58 | 1 Малайзия ринггити | 667,32 |
| 1 БАА дирҳами | 569,24 | 1 Польша злотийси | 657,18 |
| 1 АҚШ доллари | 2090,70 | 1 СДР | 3187,10 |
| 1 Миср фунти | 298,95 | 1 Туркия лираси | 1118,02 |
| 1 Исландия кронаси | 17,38 | 1 Швейцария франки | 2262,91 |
| 1 Канада доллари | 2058,18 | 1 евро | 2780,18 |
| 1 Хитой юани | 341,34 | 10 Жанубий Корея вони | 18,54 |
| | | 10 Япония иенаси | 220,58 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЖАҲОН 24 соат ичида

***Яқинда Россиянинг Челябинск ва унга қўшни бўлган бир қатор шаҳарлари аҳолиси осмонда сирли атмосфера ҳодисасига гувоҳ бўлишди.***

## Самодаги сирли ҳодиса

Гап шундаки, тунги пайт осмонда “Қутб ёғдуси”га ўхшаш бир нечта ёруғликлар пайдо бўлган. Айниқса, у шаҳарнинг шарқий қисмида жуда аниқ кўринган.

Ҳозирча ушбу ҳодиса табиий ёки сунъий равишда юз бергани ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин шаҳар аҳолиси олдин бирон марта ҳам бундай воқеага гувоҳ бўлмаганликларини айтишмоқда.

## Янги даво усули

***Канаданинг Оттава университети олимлари жигар саратонига қарши вирус яратдилар.***



Ушбу даво воситаси лаборатория шароитида синовдан муваффақиятли ўтган.

Кашфиётчилар Жон Белл ва Мэдс Кэрннинг айтишича, мазкур вирусни яратиш осон кечмаган. Нега деганда, саратон тўқималари мунтазам ўзгарувчан бўлиб, улар тез урчиш эҳтимоли бор. Шу боис олимлар муаммо ечими учун махсус математик усул яратди. У зарарланиш эҳтимоли бор тўқималар ҳақида ахборот бериб туради. Табиийки, бундай маълумот билан касалликка қарши курашиш анча самарали кечади.

Олимлар келгусида саратоннинг бошқа турларига қарши ҳам янги даво усуллари яратиш устида изланишни давом эттиришларини маълум қилганлар.

## Йўлкира нархи кескин кўтарилди

***Кипр жамоат транспортида йўлкира ҳақи эллик фоизга қимматлашди.***

“Reuters” ахборот агентлиги хабарида айтилишича, энди автобусда кундузги вақтда манзилга етиб бориш баҳоси 1,5 евро этиб белгиланди. Соат 23.00 дан 05.00 гача қатнайдиган автобусда йўлкира эса бир еврога қимматроқ бўлиб, чипта 2,5 евро туради.

Бир кунлик чипта нархи 5 еврони ташкил қилди, ҳафталиги эса — 15 евро этиб белгиланди. Шунингдек, ойлик йўлкира ҳақи 40 евро, йиллиги эса 400 еврога етди. Аввалроқ харид қилинган чипта нархлари эса ўзгармай қолади.

Кипрда болалар ва ҳарбийлар транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгалар. Талабалар ҳамда ўқувчилар эса чипта нархининг эллик фоизини тўлайди.

## Машҳур киноактёрга ҳайкал қўйилди

***Лос-Анжелесда машҳур киноактёр ва шарқ яккакурашлари устаси Брюс Лининг бронзадан ясалган ҳайкали очилди.***



Чайнатаун туманида барпо этилган ушбу ёдгорликнинг баландлиги 2,1 метрга тенг. Унинг очилиш маросимида Брюс Лининг кўплаб ҳамкасблари ва мухлислари қатнашган.

Тадбирда иштирок этган актёрнинг қизи, “Bruce Lee Foundation” жамғармаси президенти Шэннон Ли бу АҚШда отаси шарафига қўйилган биринчи ёдгорлик эканини айтиб ўтди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## ҒУРУР

*Мамлакатимизда сайёҳларга хизмат кўрсатадиган ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги бежиз эмас. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан туризмни жадал ривожлантириш, халқаро талабларга мос меҳмонхоналар ва хизмат турларини кўпайтириш борасида кўпгина салмоқли ишлар бажарилди.*

# Туризм: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Қувонарлиси, бугун Буюк Ипак йўлидаги туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда республикамиз етакчи ўрин тутаётгани БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан юксак баҳоланмоқда.

Бу жараённи Навоий вилояти мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур воҳа бугунги кунда нафақат саноат салоҳияти жадал ривожланаётган ҳудуд, балки тарихий обидалари, қадимий осориатиқалари, муқаддас қадамжолари билан доимо сайёҳлар қизиқишини уйғотиб келаётган вилоят сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Қолаверса, воҳанинг бетакрор табиати, одамларининг меҳмондўстлиги, истиқлол йилларида бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари аллақачон дунё аҳли эътиборига тушган. Бу, шубҳасиз, вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш, жаҳон андозаларига мос сайёҳлик инфратузилмаларини яратиш, замонавий хизмат турларини йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашувни тақозо қилмоқда.

Жорий йилда бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами янада кенгайиб, тизимда янги хизмат кўрсатиш мажмуаларини барпо қилиш, тарихий обидалар ҳудудини ободонлаштириш борасидаги хайрли юмушлар изчил давом эттирилаяпти.

— Айниқса, бошқармамизда маҳаллий ҳамда хорижлик сайёҳлар билан ишлаш бўлимлари ташкил этилганлиги кўплаб имконият ҳамда қулайликлар яратди, — дейди вилоят “Саёҳат ва экскурсиялар бюроси” давлат корхонаси директори вазифасини бажарувчи Ҳабиб Халилов. — Сайёҳлик мавсумида корхонамизнинг бевосита кўмагида хорижлик меҳмонларнинг воҳадаги экотуристик масканлар, жумладан, 7-8 минг йиллик тарихга эга бўлган Сармишсой қоятош суратларини кўриши, Қизилкум саҳросида ташкил этилган қадимий ўтов лагерларида дам олиб, ҳордиқ чиқариши, Буюк Ипак йўлидаги бетакрор Кармана, Нурота, Навбаҳор туманларининг ўтмиши ва урф-одатлари билан яқиндан танишиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинаётир.

Дарҳақиқат, жорий йил бошидан буён вилоятга Франция, Испания, Германия, Италия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон каби мамлакатлардан сайёҳлар ташриф буюргани ҳам воҳанинг сайёҳлик салоҳияти ўсиб бораётганлигидан далолатдир. Яна ҳам аниқроғи, вилоят саноат салоҳиятининг янада ривожланиши, жумладан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилиши, у ерда хорижий компаниялар иштирокидаги корхоналарнинг ишга туширилиши мазкур хизмат турига талаб янада ошишига олиб келди.

Вилоятда, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш учун қўшимча 7 та ҳудудий сайёҳларга хизмат кўрсатиш фирмаси фаолияти йўлга қўйилди. Нурота туманида “Сентоб Шахи Мустафо” ва “Қизилқум сафари” шулар жумласидан. “Навоий — Бухоро” автомагистралининг Кармана туманидан ўтувчи қисмида “Истам Раҳим” фирмаси томонидан “Парвоз” кемпинги қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тўдакўл бўйида “Жонли табиат” биоэкологик марказига қарашли соҳилбўйи дам олиш объекти ишга туширилди. Вилоят туризмни ривожлантириш кенгашининг бевосита кўмаги билан эса ТИФ Миллий банк Навоий филиали кредити асосида вилоят “Саёҳат ва экскурсиялар бюроси” давлат корхонасига Хитойда ишлаб чиқарилган “Евро-3” модификациясига эга “Yutong” русумли автобус сотиб олинди.



Албатта, бу каби замонавий сайёҳлик фирмалари ва дам олиш объектларининг фаолият кўрсатиши юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради. Шу боис ўтган йили вилоятдаги ўрта махсус таълим йўналишини тамомлаган 90 нафар битирувчи меҳмонхона ва туризм мутахассиси сифатида ишга қабул қилинди. Жорий йилда яна 60 нафар битирувчи ишга қабул қилиниши кўзда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, асрлар оша Буюк Ипак йўлининг ажралмас қисмига айланган, ўтмишда ўнлаб карвонсаройлар ва савдо масканларига эга бўлган Навоий вилояти кўплаб чет эллик меҳмонларни ўзига жалб этмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●


## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

2013 йил 5 июль куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ЖИБ судининг 2012 йил 7 март ва 24 августдаги ижро варақаларига асосан, Тахтакўпир тумани СИБ томонидан хатланган, Тахтакўпир тумани ИИБда вақтинча сақланаётган:

● 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412ИЭ» русумли, давлат рақами 23 G 0016.

***Бошланғич баҳоси — 2 016 000 сўм.***

● Ишлаб чиқарилган йили номаълум, «Урал» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 364 500 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманлараро ФИБ судининг 2012 йил 15 ноябрь ва 2013 йил 12 февралдаги ижро варақаларига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан хатланган:

● Беруний тумани, «Беруний» ОФЙда вақтинча сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ЕРАЗ-762» русумли, давлат рақами 23 I 6390.

***Бошланғич баҳоси — 5 355 000 сўм.***

● Беруний тумани ИИБда вақтинча сақланаётган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 95 U 443 AA.

***Бошланғич баҳоси — 4 745 700 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2010 йил 4 январдаги 23-0903/12806-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Беруний тумани, «Алгабос» МТПда вақтинча сақланаётган, 1950 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-150» русумли, давлат рақами 23 AJ 110.

***Бошланғич баҳоси — 649 363 сўм.***

Мазкур автомототранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 20 июль куни бўлиб ўтади.

2013 йил 20 июль куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Беруний тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманлараро ФИБ судининг 2013 йил 19 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Ўзмиллийбанк»ининг Тўрткўл филиалида вақтинча сақланаётган:

● 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «ДОНГФЕНГ» русумли, давлат рақами 95 D 638 BA.

***Бошланғич баҳоси — 17 840 000 сўм.***

● 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «Енисей 1200Р» русумли, давлат рақами 76-82 ЖУ.

***Бошланғич баҳоси — 81 712 100 сўм.***

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2013 йил 4 мартдаги 23-1307/2074 (17)-сонли суд буйруғига асосан, Беруний тумани, Бройлер фабрикаси аҳоли пунктида вақтинча сақланаётган:

● 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «АЦ 4,8 3613 ГАЗ-53» русумли, давлат рақами 80-11 КПМ.

***Бошланғич баҳоси — 4 155 000 сўм.***

● 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5312» русумли, давлат рақами 93-51 КПМ.

***Бошланғич баҳоси — 1 484 000 сўм.***

● 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «М 37161 ГАЗ-53» русумли, давлат рақами 16-92 КПН.

***Бошланғич баҳоси — 1 203 000 сўм.***

● 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «МПР 9924 ГАЗ-52» русумли, давлат рақами 04-89 КПН.

***Бошланғич баҳоси — 836 000 сўм.***

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 5 август куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 5 июль кунидаги савдога 3 июль, 20 июль кунидаги савдога 18 июль ва 5 август кунидаги савдога 1 август куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги МФО: 00585, СТИР: 302083379, 20208000504932168029 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 122-уй, 2-қават, 17-хона. Мурожаат учун телефон: (8-361) 222-11-73.** **Гувоҳнома № 004059.**

987R/870



XALQ BANKI

## Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий равишда иштирок этаётган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида 2013 йил 20 июнь куни Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳрида жойлашган Иқтисодиёт коллежи биносида ютуқлар тиражи ўтказилишини

**маълум қилади.**

990R/235



## «ELITE STARS TEXTILE» МЧЖ

**томонидан тадбиркорларга таклиф!**

***Жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган қуйидаги маҳсулотларни сотиш мақсадида ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:***

**Ип калаваси:**
- Nm 34/1 ип калава;
- Nm 34/1 ип калава (не стандарт);

**Пахта чиқиндилари:**
- Стандарт-1 (мычка);
- Стандарт-3 (очёс трёпальный);
- Стандарт-3/1 (орешек трёпальный);
- Стандарт-7 (очёс кардный);
- Стандарт-33 (пух);
- Стандарт-36 (путанка);

*Маълумот учун ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз сўралади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 120-36-04, (+99890) 969-90-98.**
**Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.**
**uzpsbinvest@gmail.com psbinvest@gmail.com**

**Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.**
**«Elite Stars Textile» МЧЖ, телефон: (+99891) 376-25-45, факс: (8-361) 554-21-10. elitestarstextile@mail.ru**

749A/458






714R/425





ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75, қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

10R/109

# Ёшлар фестивали

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, "Истиқлол истеъдодлари", "Агар мен депутат бўлсам", "Президент асарлари билимдони", "Миллий қадриятлар — менинг нигоҳимда" мавзуидаги лойиҳалар тақдимотидан ҳам ёшлар бир олам таассурот олдилар.

Бундан ташқари, фестиваль қатнашчилари "Ватан тараққиётига менинг ҳиссам" кўргазмаси орқали ёш тадбиркорлар, миллий ҳунармандларнинг ижодий интилишлари, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан яқиндан танишдилар. Турли мусобақалар совриндорлари бўлган спортсевар йигит-қизларнинг "Алпомиш авлодлари", "Соғ танда — соғлом ақл" шиори остидаги кўргазмали чиқишлари ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий камолоти учун яратилган имкониятлар кўригига айланди.

Ёшларни эзгу мақсадлар йўлида жипслаштиришга йўналтирилган фестиваль вилоят марказидаги "Кичкинтой" амфитеатрида ташкил этилган гала-концерт билан ниҳоясига етди. Унда анжуманни тайёрлаш ва ўтказишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ ёшларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов иштирок этди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Замонавий, тезкор ва малакали хизмат



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган асрда қурилган, ҳар бир хонаси камида 6-8 нафар кишига мўлжалланган мазкур шифохона аввалари беморлар учун ҳам, шифокорлар учун ҳам ноқулай эди. Шифохона қайта таъмирдан чиққач, ҳар бир хона бир ва икки нафар беморга мослаштирилди. Энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар ва замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Туман бирлашмаси лаборатория бўлими бошлиғи Муҳаммад Аҳмедовнинг айтишича, ушбу бўлимга келтирилган, таҳлил жараёнида зарур бўладиган энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар туфайли бугунги кунда 70 турдаги биохимик ва клиник таҳлилларни тезкор равишда амалга ошириш мумкин.

— Даволаш муассасамиз таъмирланиб, сунъий нафас олдиришда қўлланиладиган, беморнинг юрак уриши, қон босими, тана ҳароратини кўрсатиб турадиган бир қанча замонавий асбоб-ускуналар келтирилгач, ишимиз бутунлай енгиллашди, — дейди ушбу бўлим бошлиғи Собир Усмонов. — Яқинда учта бемор оғир аҳволда келтирилди. Бири эҳтиётсизлик оқибатида куйган, иккинчиси чўмилаётиб чўкишига озгина қолган, учинчиси эса кучли шамоллаш оқибатида талваса хуружига тушган чақалоқ. Улар учун хавф чекинганини ва бунда замонавий асбоб-ускуналар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этганлигини айтиш жоиз.

— Туманимизда 21 қишлоқ врачлик пункти, 3 та қишлоқ врачлик участкаси шифохонаси, битта тиббий санитар қисми, тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси, кўп тармоқли поликлиника ва саломатлик маркази 115 минг 500 нафар аҳолига хизмат қилмоқда, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Мустафо Сирлибоев. — Уларда малакали тиббиёт ходимлари фаолият юритишмоқда. Мақсадимиз аҳоли саломатлигини асрашдек масъулиятли ва айни пайтда шарафли ишга муносиб ҳисса қўшишдир.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.**

## БУГУН — ЖАҲОН БОЛАЛАР ФУТБОЛИ КУНИ

*Замонавий тиббиёт хулосасига кўра, спорт, хусусан, футбол билан шуғулланган бола соғлом ва бақувват бўлиб ўсади. Ақл-идроки ривожланади, ҳамжиҳатликни, жамоа бўлиб ҳаракат қилишни ўрганади. БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) келишувига кўра, 19 июннинг "Жаҳон болалар футболи куни" деб белгиланганида ҳам шу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинган. Мазкур санада дунёнинг қатор давлатларида, хусусан, мамлакатимизда ҳам болалар футбол жамоалари иштирокида кўплаб спорт тадбирлари ўтказилади. Мусобақалар уюштирилиб, ёш истеъдод эгаларига яна бир карра ғамхўрлик кўрсатилади. Бу эса уларга қўшимча куч-ғайрат бағишлаши, шубҳасиз.*

# Юксак марраларга интилган авлод



"Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!"

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қанотбахш каломида болажон халқимизнинг ўз ўғил-қизларига қанчалик меҳрибонлиги, келажак авлодни вояга етказишдаги улкан масъулияти мужассам. Бундай эътибор фарзандларимизнинг истеъдод ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишида муҳим омилдир. Қолаверса, навқирон авлодга кўрсатилаётган эъзоз ва эътибор уларнинг қадамларига шаҳдамлик, орзу-интилишларига қанот бағишлайди. Бинобарин, мамлакатимизда таълим-тарбия, маънавият, спорт соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шу интилишларни қўллаб-қувватлашга, янги-янги истеъдодларни юзага чиқаришга, пировардида буюк Ўзбекистонимизга муносиб авлодни шакллантиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли ўзбек футболи том маънодаги ривожланиш босқичига кўтарилди. Ўзбекистон 1994 йилда ФИФАга аъзо бўлди. Ўтган вақт мобайнида футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчиларни тайёрлаш, шунингдек, юртимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. У айни вақтда болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

> Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, футболчилар, мураббийлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Тошкент шаҳрида халқаро стандартларга жавоб берадиган "Бунёдкор" ва "Локомотив", Бекобод шаҳрида "Металлург" футбол стадионларининг барпо этилгани ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир.

Айниқса, мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида қуриб битказилган замонавий, гўзал ва бетакрор "Бунёдкор" спорт мажмуаси халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яққол намойиши бўлди. Бу мўъжизавий иншоот ўзининг салобати, ноёб меъморий ечими билан алоҳида қимматга эга. Жами 56 гектар майдонни эгаллаган мажмуа таркибидан бир қатор объектлар ўрин олган. Хусусан, 120 нафар ўқувчига мўлжалланган болалар ва ўсмирлар футбол мактабида ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидор ва маҳоратини ошириши учун барча шарт-шароит яратилган. Ўқув корпуси, дам олиш хоналари, мажлислар зали, ётоқхона, ошхона, сузиш ҳавзаси, спорт зали, тиббий бўлим имкониятлари кишида ҳавас уйғотади. Масалан, синф хоналари зарур ўқув дастурлари, локал тизим ва интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган. Ёш футболчилар учун еттита машғулот майдони тайёрланган бўлиб, улардан учтаси сунъий қопламали, қолган тўрттаси эса табиий майсалидир.

Табиийки, бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар ўзининг юқори самараларини бераяпти. Узоққа бормасдан, биргина 2012 йилда қўлга киритилган муваффақиятларни эсга олайлик. Хусусан, ўсмирлар ўртасида Эронда ўтказилган Осиё чемпионатида вакилларимиз бош совринни қўлга киритди. Ногирон-ампутантлар ўртасида кечган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз кетма-кет учинчи маротаба чемпион унвонига сазовор бўлишди. Шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлик қилган ёшлар ўртасидаги қитъа биринчилигида терма жамоамиз кучли тўртликдан жой олиб, навбатдаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Ўн олти ёшгача бўлган қизларимиз илк маротаба Осиё чемпионатининг финал қисмига йўлланма олишди. Ўзбекистон футбол федерацияси ФИФАнинг "Ҳалол ўйин" соврини билан тақдирланди...

Яна бир эътиборга молик жиҳати, жорий футбол мавсумидан бошлаб мамлакатимиз олий лигасида иштирок этаётган клублар қошида аёллар жамоалари тузилди. Бундан кўриниб турибдики, эндиликда юртимизда хотин-қизлар ўртасида ҳам футбол янада оммалашади.

— Биз мураббийлар юрт равнақига дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз керак, — дейди "Насаф" клуби қошидаги футбол академияси мураббийи Дадажон Тоғаев. — Ўзим фаолият олиб бораётган академияни олиб қарайдиган бўлсак, бу ердаги шарт-шароитлар дунёнинг манаман деган давлатларидаги қулайликлардан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Табиийки, бундай имкониятлардан баҳраманд шогирдларимиз футбол сирларини қунт билан ўрганмоқдалар. Уларнинг мақсади битта — Ўзбекистон шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир футболчилар бўлиб камолга етиш. Ана шундай эзгу мақсадни қалбида жо қилган тарбияланувчиларимиздан кўплари турли ёшдаги Ўзбекистон терма жамоалари таркибида халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилганлар. Айни пайтда эса Азиз Ғаниев ва Ботир Тўраев 1998 йилда туғилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ҳисобланади.

— Президентимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз", деган сўзлари биз, ёшларга куч-қувват бағишлайди, — дейди Ботир Тўраев. — Мақсадим моҳир футболчи бўлиб, Ўзбекистонимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилиш.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар футболи шитоб билан ривожланаяпти. Ишончимиз комилки, бугун ғалабанинг дастлабки нашидасини тотиб, интилишу изланишлари билан ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётган навқирон авлод вакиллари келгусида жаҳон ареналарида байроғимизни баланд кўтарадилар. Юксак марраларни забт этадилар.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## Хабар

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 8 ИЮНДАН 14 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 8 майдаги 55-сонли буйруғи.*

**2013 йил 11 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 354-1 (2013 йил 17 июндан кучга кирди).**

2. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7, 01-02/19-22, 7/4-сонли қарори.*

**2013 йил 12 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2467 (2013 йил 17 июндан кучга кирди).**

3. «Дарё транспортида юк ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2013 йил 26 апрелдаги 76-сонли буйруғи.*

**2013 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2468 (2013 йил 17 июндан кучга кирди).**

4. «Аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлагани учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 30 майдаги 55-сонли буйруғи.*

**2013 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1032-3 (2013 йил 17 июндан кучга кирди).**

5. «Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлантириш талонлари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 11 майдаги 98-сонли буйруғи.*

**2013 йил 14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2469 (2013 йил 17 июндан кучга кирди).**

6. «Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 16 майдаги 5, 11, 4, 50, 33, 01-02/5-5, 22-мх-сонли қарори.*

**2013 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2024-1 (2013 йил 17 июндан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Юридик шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низом», 1-3-сон ўзгартиришлар *(рўйхат рақами 1281, 2003 йил 4 октябрь), (рўйхат рақами 1281-1, 2004 йил 4 август), (рўйхат рақами 1281-2, 2008 йил 23 декабрь), (рўйхат рақами 1281-3, 2009 йил 30 декабрь). Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган.*

***Адлия вазирининг 2013 йил 12 июндаги 169-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## «БРАЗИЛИЯ — 2014»

*Футбол бўйича 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кураш олиб бораётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси кеча пойтахтимиздаги "Бунёдкор" стадионида саралаш босқичидаги сўнгги учрашувни Қатар терма жамоасига қарши ўтказиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди.*

# Кураш ҳали давом этади

Аммо ушбу натижа футболчиларимизга мундиалда тўғридан-тўғри иштирок этиш учун етарли бўлмади. Чунки мазкур ўйин билан бир вақтда Ульсанда ўтган Жанубий Корея ва Эрон терма жамоалари ўртасидаги учрашувда меҳмонлар 0:1 ҳисобида муваффақиятга эришди. Шу тариқа Жанубий Корея билан бир хил — 14 тадан очко жамғарган терма жамоамиз тўплар нисбатига кўра "А" гуруҳида учинчи ўринда қолиб кетди.

Лекин ҳали футболчиларимизда жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш имконияти сақланиб турибди. Бунинг учун вакилларимиз "В" гуруҳида учинчи ўринни эгаллаган терма жамоага қарши плей-офф босқичида куч синашади. Унинг ғолиби эса Жанубий Америка футбол конфедерацияси гуруҳида бешинчи ўринни қўлга киритган терма жамоага қарши баҳс олиб боради.

**Ф. ИБРОҲИМОВ тайёрлади.**


● Реклама ва эълонлар ●

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 27 августдаги 7684-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қуйи Чирчиқ тумани, «Тошлоқ» ҚФЙ, «Алишер Навоий» ФХУ, Сурум қишлоғида жойлашган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 726 507 000 сўм.***

**2.** Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 9585-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 92-уй.

***Бошланғич баҳоси — 83 980 000 сўм.***

**3.** Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 сентябрдаги 1-423-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, «Хумсон» ҚФЙ, Қизил чорва қишлоғида жойлашган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 322 690 500 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 4 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**4.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2013 йил 2 майдаги 47613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзо Улуғбек тумани, К. Ниязова кўчаси, 10/1-уй, 30-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 436 891 003 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 19 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Realtor garant business» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.**

991R/380

*Лицензия: RR-0052.*



*Вазирлик, идора, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эътиборига!*

**«Ўзметкомбинат» ОАЖ**

**КИСЛОРОД–КОМПРЕССОР ЦЕХИ**

**газсимон ва суюқ аргон (ГОСТ 10157-79) ишлаб чиқаради ва сотади.**



**Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан.**

**Мурожаат учун телефон: (8-370 91) 3-43-81.**

**E-mail: kkc@uzbeksteel.uz**

**Манзил: Тошкент вилояти, 110502, Бекобод шаҳри, Ш. Айтметов кўчаси, 1-уй.**

621A/210



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

02


Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси Француз тили фонетикаси ва фонологияси кафедраси ўқитувчиси

**Шоазим ЗИЁДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5